

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 28412,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизга тенг бўлди.

2018 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 8932,1 минг сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан -0,1 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакиллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган хиссаси 7,0 % ни ташкил этди.


2017-2018 йилларнинг январь-декабрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

| | млрд.сўм | | 2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|-------------------------|-------------------------|---|
| | 2017 йил январь-декабрь | 2018 йил январь-декабрь | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 22633,4 | 28412,2 | 101,0 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 21530,1 | 26878,3 | 100,9 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 1103,3 | 1533,9 | 103,8 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 21530,1 | 26878,3 | 100,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 9150,6 | 11331,2 | 96,9 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 6776,9 | 8829,2 | 103,1 |
| саноат | 5548,5 | 7281,1 | 103,0 |
| қурилиш | 1228,4 | 1548,1 | 103,5 |
| Хизматлар | 5602,6 | 6717,9 | 104,5 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1285,3 | 1558,9 | 102,9 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 1181,2 | 1284,1 | 105,2 |
| бошқа хизматлари | 3136,1 | 3875,0 | 104,9 |

ЯХМ - иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий Ҳисоблар Тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа тармоғининг ўсиш суръати 105,2 фоиз, (ЯХМ таркибидаги улуши (4,8 фоиз), саноат 103,0 фоиз (27,1 фоиз), қурилиш 103,5 фоиз (5,8 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 102,9 фоиз (5,8 фоиз), Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 96,9 фоиз (42,2 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 104,9 фоиз (14,3 фоиз) ни ташкил қилди.

ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари
(фоизда)





иқтисодий фаолият турлари

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь

2018 йил январь-декабрь



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар




2018 йилнинг январь-декабрда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 24,9 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,1 пунктга камдир (26,0 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,7 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 4,8 фоизни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 5,8 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-декабрдаги 14,5 фоиздан 2018 йил январь-декабрда 14,3 фоизга ўзгарди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 64,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.


**Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)**



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ динамикаси

| | <i>Минг сўм</i> | <i>Ўсиш суръати, %</i> |
|------------------------|-----------------|------------------------|
| 2017 й. январь-декабрь | 7257,6 | 101,1 |
| 2018 й. январь-декабрь | 8932,1 | 99,0 |

2018 йил январь-декабрь ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Хизматлар



Қашқадарё вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Саноат тармоғининг ўсиш суръати – 103,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 27,1 %), Қурилиш – 103,5 % (5,8 %), Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,9 % (5,8 %), Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,2 % (4,8 %) ва Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,9 % (14,3 %) ни ташкил этди.